

ORGANIZATION OF TRAINING SESSIONS USING INTEGRATIVE EDUCATION

Эшқораев Қахрамон Абурахматович

Чирчиқ давлат педагогика университети “Математика ўқитиш
методикаси ва геометрия” кафедраси ўқитувчиси

Abstract:

The article provides information about the integrative education system, its importance, and teaching in an integrated learning environment based on Weberal Intelligence technologies.

Key words and concepts: Integrative learning, intelligence, verbal intelligence, ability, motivation, integration, refactoring, design.

Аннотация: В статье представлена информация о системе интегративного образования, ее значении и обучении в интегрированной учебной среде на основе технологий Weberal Intelligence.

Ключевые слова: Интегративное обучение, интеллект, вербальный интеллект, способность, мотивация, интеграция, рефакторинг, дизайн.

Хозирги кунда вербал интеллект фуқароларни тайёрлаш, кўпроқ информатика, ахборот технологиялари фани бўйича яратилган интеграциялашган таълим муҳитида олиб борилмоқда. Фан учун нисбатан янги бўлган вербал интеллект тушунчаси жамиятда вербал интеллектдан самарали фойдаланиш асосида вербал интеллектни ривожлантириш сифатида изоҳланади. Бугунги вербал интеллект ва новербал интеллект тушунчалари қўллаёнилаётган янги атамалар ва уларни англаш ҳамда амалиётга қўллаш кўникмалари вербал интеллект таълим жараёнида шакллантирилади.

Информатика, ахборот технологиялари фанларини етарли даражада ўрганиш, мустақил, яқка тартибда ва ҳамкорликда ўзлаштиришлари учун ўқув жараёнини ташкил этишга қаратилган. Бу муҳит юқорида айтиб ўтилган фанларга доир медиаресурслар, веб технология, симулятор дастури, интерактив онлайн назорат таҳлил воситалари ва Moodle LMS (таълимни бошқариш тизими) ларини интеграцияловчи электрон ўқув қўлланмаси ҳамда вебрал интеллект технологиялари ҳамкорлигида тавсифланади.



Вебрал интеллект технологиялар асосида интеграциялашган ўқув муҳити ёрдамида таълим бериш - бу талабанинг шахсий хусусиятларини, қобилияти, мотиви, интеллекти ва имкониятини инобатга олувчи, замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан талаба билимини ривожлантиришда самарали фойдаланувчи ўқитишдир. Унинг ёрдамида таълим беришни дифференциаллаш ва индивидуаллаштиришнинг асосий тамойили сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, интегратив таълим тизими ёрдамида ўқув машғулотларини ташкил этишда қуйидагиларни бажарилиши лозим деб биламиз:

- талабаларнинг индивидуал психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фанга мотивацияни шакллантириш;
- шахсий кўникма ва малакасини ошириш учун педагогик усулларни кўллаш;
- тартибланган ва мантиқий ташкиллаштирилган мазмунни баён этиш; лаборатория ва амалий машғулотлар ҳамда топшириқларни бажариш орқали олинган билимларни мустаҳкамлаш жараёни устидан бошқарув;
- таълим олувчиларнинг янги материалларни ўзлаштириш самарадорлигини текшириб бориш;
- индивидуал тарзда ўқув топшириқларини бажарганда рағбатлантириш;
- педагогнинг ўқув машғулотидаги кўпроқ фаолиятини ташкил этувчиси сифатида педагогик методлар ва усулларнинг ишлатилиш;
- мулоқотнинг турли формаларини ишлатиш, мақсадли ва тезкор тесқари алоқани таъминлаш.

Кучли оғзаки ақлга эга шахслар қуйидаги хусусиятлари:

- ёзма ва оғзаки маълумотлар учун яхши хотирага эга бўлиш;
- яхши ўқиш ва ёзишни яхши кўриш;
- аниқ ва ишончли гапириш;
- яхши тушуниш ва тушунтиришни билиш;
- ҳикояларни айтиб бериш учун ҳазилдан фойдаланиш [1].
- оғзаки маълумотларни тинглаш ва ёдлаш олиш;
- адабий, мантиқий ёки ижтимоий тил муаммоларини ҳал қилиш;
- тилга асосланган мураккаб таҳлилни амалга ошириш қобилияти;
- ёзма ёки оғзаки маълумотларнинг маъносини аниқ тушуниш каби хусусият фазилатларни ўзида намоён қилишни тақозо этади.

Британиялик психолог Чарльз Спирманнинг сўзларига кўра, ақл – идрок умумий ақлий қобилият бўлиб, бу муваффақиятни аниқлайдиган “ақлий



энергия” деб қараш мумкин. Унинг сўзларига кўра, агар умумий интеллектуал бўлса, бунда қобилиятлар юқори бўлади, ҳар қандай вербал интеллект тести ижобий натижа беради. Бир мунча вақт ўтгач, Чарльз Спирман ақлий кўриниш (структураси) даги умумийликни кўрсатиб берди, уларни вербал интеллект лингвистик (оғзаки), механик (динамик) ва математик ақл кўринишида тавсифлайди.

Россия психологи Е.И.Степанованинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики вояга етганларнинг интеллектуал ривожланиши жараёни бошқача, бу паст баландликдаги ўзгаришлар ва ақлий тизимдаги ўзгаришлар билан характерланадиган жараёнлар ҳисобланади [2].

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг новербал интеллекти сўзларни идрок этиш ва бойитиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва нутқ сигналлари шаклида системалаштириш қобилияти ҳисобланади. Ушбу турдаги ақл одатда одам томонидан қўлланилади ва унинг маҳорат кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ. Инсоннинг оғзаки ақл-заковати унинг гуманитар фанларни муваффақиятли ўзлаштириши ва билишида олдиндан белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда оғзаки ва рақамли тестлар йирик компаниялар учун потенциал мутахассисларни танлашнинг асосий мезонидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Айзенк Г.Ю. Проверьте свои интеллектуальные способности. / Пер. с англ. 2-е изд. - Рига, 1992. -С. 176.
2. Иванов П., Зуфарова М. Умумий психология. дарслик. 20087. Давлетшин М.Г., Ковалев А.Г., Крутецкий В.А. Қобилият ва унинг диагностикаси. -Т.: «Ўқитувчи», 1990.
3. Гилфорд Дж. Интеллектнинг уч томони. // Психология мышления. Под ред А.М. Матюшкина. - М., 1965. -С. 433-456.
4. Ғозиев Э., Усманова Ш. Интеллект психологияси. - Т.: «Фан», 1996. -81-98-б.
5. Вербал интеллект тестлари Г.Айзенка (Тест IQ). https://psychojournal.ru/tests_online/148-verbalnyy-test-intellekta-ayzenka-testiq.html#t20c.

